



ИККИ ЖУМА ОРАЛИГИДА

ҚЎЛТИҚЛАБ КЕТИШДИ...

Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қиладиган В. М. нинг хонадонни эшигини уч нафар номаълум шахс бузиб кириб, "Русь" магнитофонини қўлтиқлаб кетишди. Аммо кўп ўтмай бу босқинчиларни ҳам "қўлтиқлаб" кетадиганлар топилиб қолди. Энди бу кимсалар қилмишлари учун одил суд олдида жавоб берадилар.

МОЛ ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

Иштихон туманидаги "Уч қаҳрамон" давлат хўжалигида яшовчи А. О. нинг уйига тунда кимдир кириб, асраб-авайлаб парваришлаган икки бош қорамолини етаклаб кетди.

Милиция ходимлари бу иш билан жиддий шуғулландилар. Натижада мол ўғриси ушланди. У аввал судланган, 1960 йилда туғилган М. Қ. бўлиб чиқди.

БИР КЕЧАДА...

Яқинда Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги Очилдиев номли жамоа хўжалигида эшитган одамни титратадиган даҳшатли воқеа содир бўлди. Уй бекаси Ф. Г. болаларини уйда ёлғиз қолдириб, рўзғор ишлари билан дўконга чиқиб кетади. Бундан фойдаланган фарзандлари гугурт топиб, ўйнашди. Чўғ кўрпа-тўшакларга тушади. Натижада хонадаги барча нарса бирин-кетин ёниб, кулга айлана бошлади.

Она бозордан келганда, 7 ёшли Зарина, 4 ёшли Рустам, иккига кирган Достон ва ёшига тўлмаган Анварлар тундан бўғилиб ҳалок бўлишганди.

ЎВУЗ ҲИБСДА

Бувайда туманидаги Алкар қишлоғида 1939 йилда туғилган, II гуруҳ ногирони М. Т. изсиз йўқолиб қолган. Яқинда уни Янги ҳаёт жамоа хўжалигининг 17-бригадаси даласида ўлдирилиб, кўмиб ташлангани аниқланди.

Бу ишга қўл урган ёвуз эса ҳибсга олинди. У Шўр қишлоғида истиқомат қилган, 1971 йилда туғилган О. И. бўлиб чиқди. Терговни прокуратура олиб борапти.

ВАҚТ БОЙ БЕРИЛМАДИ

Қўнғирот темирйўл бекатидаги йўловчилар ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлишди. Вагонларда текширув ўтказилаётганидан хабар топган "Ашгабат-Москва" поездининг 21-вагонидagi йўловчи уч дона сумкасини қаровсиз қолдириб кетади. Назоратчиларда бу сумкаларнинг эгаси бирдан "йўқолиб" қолгани шубҳа уйғотди. Гувоҳлар иштирокида сумкалар кўздан кечирилганда, уларнинг ичидан 13 килограмм гиёҳванд модда (кўкнори) чиқди. Ички ишлар ходимлари вақтни бой бермай сумка эгасини аниқлашди. У Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманилик К. С. экан. Терговни Нақлиёт ички ишлар бошқармаси олиб борапти.

ҚАЛБАКИ ПУЛ

Андижон-1 темирйўл шоҳбекатида Озарбайжон Республикасининг Шамхор туманидаги Жабарли давлат хўжалиги ишчиси, 1969 йилда туғилган Э. Алиевдан қиймати минг сўмлик битта қалбаки пул топиб олинди. Алиев ушланди. Текширув ишлари олиб бориляпти.

ТЕРГОВ ҚИЛИНЯПТИ

Фарғона вилоятининг Данғара тумани ички ишлар бўлими ходимлари олиб борган тезкор чоралар натижасида Урганчи қишлоғида яшовчи, уй бекаси Т. О. нинг хонадонидан 24 килограмму 200 грамм кўкнори ва 9 килою 500 грамм наша топилди. Терговни туман ички ишлар бўлими олиб борапти.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Сирғали даҳасидаги 1-дўкон сотувчиси Р. Р. ни нотаниш йигит пичоқ билан қўрқитиб, пул талаб қилди. Бироқ, рад жавобини олгач, сотувчининг бўйнига пичоқ санчиб, жуфтаси ростлади. Аммо кўп ўтмай уни милиция ходимлари тутиб келишди. Унинг ёнидан далилий ашё сифатида пичоқ топилди. Энди у қилмиши учун жавоб бериши аниқ.

САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Хатирчи туманидаги Учқора давлат хўжалигида яшовчи, 39-мактабнинг 10-синф ўқувчиси М. Ж. уйда номаълум сабабга кўра ўзининг устидан солярка қуйиб ёқиб юборди. У шифохонага ётқизилди. Суиқасд сабаблари ўрганилмоқда.

Т. МУРОДОВ.

БУГУНГИ СОНДА:

1-БЕТ

ЎТА МАСЪУЛИЯТЛИ ХИЗМАТ

Тергов хизмати ташкил
топганлигининг
30 йиллигига

6-БЕТ

МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСКАНИ



7-БЕТ

ГАЗАНДАЛАР

Ириқ жиноий гуруҳ қўлга
олинди ва содир қилган жи-
ноятлари бирма-бир
очилди...

ЎТА МАСЪУЛИЯТЛИ ХИЗМАТ

Ички ишлар идоралари тизимида тергов хизмати ташкил топганига 6 апрель куни 30 йил тўлади. Маълумки, 1963 йилнинг апрелига қадар ички ишлар идоралари ходимлари жиноятлар юзасидан фақат суриштирув ишлари олиб бориш ҳуқуқига эга бўлганлар, тергов ишларини эса прокуратура олиб борган. Ички ишлар идораларига жиноий ишларни тергов қилиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги қарор жиноятчиликка қарши курашда тергов идоралари билан оператив хизматлар ўртасидаги ҳамкорликни яхшилаш мақсадида қабул қилинган.

Нисбатан қисқа давр мобайнида вазирлик таркибига кучли, малакали кадрлардан иборат, энг мураккаб шароитларда ҳам ўз-вазифасини бажара олишга қодир тергов хизмати

вужудга келди. У ўз фаолиятини бошлаган вақтда республика ху-дида содир этилган жиноятларнинг бор-йўғи 30 фоизга яқини бўйича тергов олиб борган бўлса, ҳозирги кунга келиб ходимларимиз барча жиноятларнинг учдан икки қисмини тергов қилмоқдалар. Бу ички ишлар идоралари терговчиларининг мустақил республикада барқарорликни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда ҳиссалари катта эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

1970 йилга қадар тергов аппарати фақат ички ишлар вазирликлари, вилоятлар, шаҳарлар ички ишлар бошқармалари таркибига бўлган ва гарчи, терговчилар туман, шаҳар ички ишлар бўлимида бошлиқларига бўйсунмаган бўлсаларда, бу бўлимлар қошида тергов ишларини

олиб борганлар. 1970 йилда қуйи ички ишлар идоралари таркибига тергов бўлими ва гуруҳлари киритилди. 1972 йилда эса Транспортдаги ички ишлар бошқармасида ҳам тергов хизмати ташкил этилди.

Юбилей арафасида бу тергов хизматининг шаклланишига, кадрларни тарбиялашга бебаҳо ҳисса қўшган кишиларни тилга олиб ўтиш жоиз бўлса керак.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бошқармасининг биринчи раҳбари этиб Акмал Нигматович Аминов тайинланган эди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, бир қатор орден ва медаллар соҳиби бўлган бу инсон вазирлик тергов бошқармасини етук, малакали кадрлар билан тўлдирдишда катта гайрат-шижоат кўрсатган.

(Давоми 3-бетда).

Қўшқўпир тумани ИИБ

катта терговчиси,
милиция майори Қ. Пирезов
оқловчилар уюшмаси
ходимлари билан
ҳамкорликда иш олиб
боради.

Суратда: Қ. Пирезов
ҳимоячи Б. Ибодуллаева
билан жиноий иш хусусида
фикр алмашмоқда.

Сурат муаллифи Саъдулла БОБО.



ОРИЯТ ЙЎҚОЛМАСИН

Уйда бор-йўғини ўртага ташлаб, ўзгалар билан баҳам кўриб келган халқимиз ўзининг сахийлиги, меҳмондўстлиги билан азалдан маълум ва машҳурдир.

Серқуёш ўлкамизда бўлган хорижлик сайёҳлар республикада аҳолисининг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатлари, илиқ муносабатлари, оғир меҳнат машаққатлари эвазига толган-тутганларини кўни-кўшни, таниш-билишлар билан бир дастурхон атрофида баҳам кўришларининг гувоҳи бўлиб, юртдошларига ҳайрату ҳавас билан бу тўғрида сўзлаб юрадилар. Хорижликларнинг аксарияти бунга ишонмаслиги ҳам мумкин. Уларда яшаш шароити бошқача-да.

Минг афсусларким, халқимизнинг шундай улуг фазилатига раҳна соладиганлар ҳам орамизда ҳамон учраб турибди. Шону шаънимизга путур етказадиганларнинг қинғир ишлари кеч бўлса-да, фош этилиб, тегишли жазоларини олишяпти.

Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Кичик жиноят катталаша боришидан ташқари юқорида қайд этиб ўтилганидек халқимизга ёт иллатнинг юртимизда болалаш хавфини тўғдириши мумкин.

Буни қарангки, биргина ўтган ойнинг 16-19 кунлари ўтказилган тадбирда Тошкент шаҳар ИИББга қарашли "Қўриқлаш" бошқармаси

ходимлари томонидан 27 нафар киши қўлга олинди. Булар болалар боғчаси ва шифохоналардан жами 1545 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотини ўғирлаб кетаётган ташмачилар бўлиб чиқди. Биргина I-сонли шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси ходимларидан 5 нафари қўлга олинди, беморларга берилиши керак бўлган 360 сўмлик озиқ-овқат маҳсулоти ўғирлангани аниқланди.

Ўтган йилги кўрсаткичга кўз ташланадиган бўлса 87 нафар шахс беморларнинг ёнги болажонларнинг риску насибасига кўз олайтириб, 5 минг 230 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотини ташиб кетаётганида милиция ходимлари томонидан ушланиб, маъмурий ва жиноий жавобгарликка-тортилганлар.

Одамни ажаблантирадиган, ниҳоятда нафратлантирадигани шундаки бировларнинг, айниқса, мададга муҳтож бўлиб бошқаларнинг берганига кўз тикиб турганларнинг овқатини ошашга ҳадди, ҳаваси борлар нахот жамиятимизда, жаннатмакон юртимизда яшашларидан ор қилмасалар? Нахот улар ҳам ўзларини инсон санаб, кўкрак кериб юраверсалар?

А. ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББнинг
матбуот гуруҳи ходими.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Йўл ҳаракати хавфсизлигини кучайтириш, фуқаролар ҳаёти ва соғлигини сақлаш борасида қўшимча чоралар кўриш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги автотранспорт воситалари кимга тегишли бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, руль бошқаруви ўнг томонда жойлашган бўлса, 1993 йилнинг 1 мартидан рўйхатга олинишига, 1993 йилнинг 1 июлидан эса улардан фойдаланилишига йўл қўймасин.

2. Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акционерлик кооперацияси руль бошқаруви ўнг томонда жойлашган автотранспорт воситаларини республиканинг автомобиль таъмирлаш корхоналарида кейинчалик қайта жиҳозлаш учун 2 ой муддат ичида техникавий топшириқни ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги билан келишиб олсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, импорт автомашиналар ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирдагина уларни олиб келиш ва рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилади.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ажнабий фуқароларнинг руль бошқаруви ўнг томонда жойлашган автотранспорт воситаларининг транзит ўтишига, шунингдек улардан 1 ой муддатгача

фойдаланилишига рухсат берилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази Ўзбекистон Республикасида ўнг томондан ҳаракат қилиш қабул этилганига, асосланиб, 1993 йилнинг 1 июлигача автотранспорт воситаларининг руль бошқаруви жойлашишини тартибга солувчи стандартни ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 октябрдаги 485-сон қарорига (2-илова) кўзда тутилган транспорт воситаларини импорт қилишга вақтинчалик божларнинг ставкаларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимча киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб келинаётган хорижий маркадаги транспорт воситаларига вақтинчалик божларнинг ставкаларини мувофиқ равишда кўпайтиришни қайта кўриб чиқсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазир
А. МУТАЛОВ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ОЛИБ КЕЛИНАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИМПОРТ ҚИЛИШГА ВАҚТИНЧАЛИК БОЖЛАРИНИНГ СТАВКАЛАРИ

Товарларнинг номи	Товар коди	Автотранспорт бирлигининг шартномавий қийматига нисбатан ставкалар, фоз	
		Энг оз	Энг кўп
1. Транспорт воситалари жамоат, пассажир ташувчи, моторли (шу жумладан дизель ва ярим дизель моторли) цилиндрнинг иш ҳажми 2500 куб.см. ошмайдиган	870210910	20	40
2500 куб. см. дан ошадиган	870210110	20	40
2800 куб. см. дан ошмайдиган	870290310	20	40
2. Енгил автомобиллар, одамларни ташиш учун мўлжалланган бошқа моторли воситалар, шу жумладан пассажир фургон автомобиллари ва пойга автомобиллари	870300000	20	40

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА

Ш А Р Ҳ

Муствақил Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари кун сайин муствақамланиб, ривожланиб бормоқда. Иқтисодий, техникавий ҳамкорлик ва савдо-сотик авж олмоқда. Хусусий ташаббус ва ишбилармонлик имкониятлари кенгайиб бормоқда. Республика бозори чет элларда ишлаб чиқарилган моллар билан тўлиб бормоқда.

Бироқ шу муносабат билан айрим муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Республика давлат автотранспорт воситаларининг ходимлари тажрибада хорижий фирмалар ишлаб чиқарган автомобиль воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ташвишли статистикага дуч келдилар.

Ҳозир республикада турли маркалардаги юз минглаб автомобиль мавжуд. Уларнинг ёнига кейинги йилларда руль бошқаруви ўнг тарафда жойлашган машиналар кўпила бормоқда. Айни шу хилдаги транспорт ўнг томондан қатнаш қондаларига "қовушмай", йўл ҳаракати хавфсизлиги учун таҳлика солаётган бир талай ҳоллар қайд этилди. Ўтган йили содир бўлган транспорт ҳодисалари қиёсий таҳлил этилганда оддий автомобилларга нисбатан рули ўнг тарафда жойлашган автомобилларнинг фалокатга сабаб бўлиш ўртача кўрсаткичи анча юқори экани маълум бўлди. Машина тузилишидаги бизда қабул этилган хавфсизлик қондалари талабларига мос келмайдиган тафовутлар бунга сабаб бўлмоқда. Шундай машиналарнинг ҳайдовчилари йўлдаги вазиятни тўла-тўқис кузатиб бориш имкониятига эга эмаслар. Автомобилларнинг чироқлари ўзига хос тарзда ўрнатилганлиги сабабли турли пайтда уларнинг чироқлари қарши томондан келаётган машиналарнинг ҳайдовчилари кўзларини қамаштириб қўяди. Хорижий маркадаги машиналарнинг пассажирлари салонга кириш ёки ундан чиқиш учун йўлнинг машина қатнайдиган қисмига ўтишларига тўғри келади. Чет элларда

ишлаб чиқарилган машиналар узоқ вақт ишлатилганидан кейин бизнинг юртимизга келтирилатгани ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Эҳтиёт қисмларнинг зарур турлари йўқлиги, таъмирлаш сифатининг пастлиги шу автомобилларнинг зарур техникавий ҳолатини таъмин этмапти.

Мана шу сабабларга биноан ва аввало республика йўлларига хавфсизлик тартибини таъминлаш зарурлигини эътиборга олиб, Вазирлар маҳкамаси руль бошқаруви ўнг тарафда жойлашган автотранспорт воситалари кимга тегишлилиги ва мулкчилик шаклларида қатъий назар 1993 йилнинг 1 мартидан рўйхатга олинишига, шу йил 1 июлидан бошлаб эса уларни ишлатишга йўл қўймасликка қарор қилди.

"Ўзавтотранс" кооперациясининг "Ўзавтотранс-техника" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фуқароларнинг истакларини эътиборга олиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг автомобиль таъмирлаш заводларида руль бошқаруви ўнг тарафда жойлашган автотранспорт воситаларини қайта жиҳозлашга оид техникавий топшириқларни ишлаб чиқмоқда. Қайта жиҳозлашга оид техникавий топшириқлар ҳамма турдаги хорижий автомобиллар учун ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга автомобиль таъмирлаш заводлари турли хорижий маркалардаги машиналарни қайта жиҳозлаш соҳасидаги ҳақиқий иш ҳажмлари масаласини пухта ўйлаб кўрмоқда. Ишлаб чиқилаётган чора-тадбирларда Ўзбекистон Республикасида қабул этилган йўл ҳаракати стандартларининг ва тартибга солувчи қондаларнинг барча зарур талаблари кўзда тутилмоқда.

МАҚСАД — ЙЎЛ ТИНЧЛИГИ

Саноат шаҳарларидан бири — Бекобод кўпмиллатлиги, серҳаракатлиги, жадал кенгайиб бораётганлиги, чегара ташқариси ҳамда бошқа вилоятларга ўтувчи йўлларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Шаҳар ишчиларининг фидокорлиги, зиёлларининг фаол ҳаракати, ёшларининг интилиши, изланишлари, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг тартиб-интизом учун олиб бораётган курашлари бу масканда яшовчиларнинг фаровон турмуши, ҳамжihatлиги, энг асосийси, тинчлигининг омили бўлмоқда.

Шаҳар ички ишлар бўлимининг яхши ишларига мисол сифатида Давлат автомобиль назорати бўлимининг ибратли фаолиятини кўрсатиш мумкин. Бўлима ҳақида, унинг ходимлари, иш кўрсаткичлари, у ердаги зийраклик ва тадбиркорликлар тўғрисида фақат ижобий фикрлар айтилади, бошқа бўлимларга намуна қилиб гапирилади.

Бўлима хизмат кўрсатадиган ҳудуд — Бекобод шаҳри ўртасидан Фарғона водийсига, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларига, Сирдарё вилоятига бориладиган қатнов сероб бўлган, эртаю-кеч ҳаракат тинмайдиган йўлларга бойдир. Темир йўлларни кесиб ўтадиган, божхоналар хизмат кўрсатадиган йўллар ҳам кўп. 93 мингдан ортиқ аҳолининг ярмидан кўпи ёшларни ташкил этиши ҳам йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ходимларидан катта масъулият талаб қилади. Биргина шаҳарнинг ўзида бугунга келиб 22540 та автомоторулов бор, шундан 18021 таси шахсий рўйхатда туради.

— Бўлимадаги фаолият бугунгидек бўлишида жамоа бошлиги Баҳрулло ака Шукруралиевнинг хизматлари катта, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг муовини, милиция подполковниги Умарали Элибоев. — У киши қарийб чорак асрдан бери шу соҳада ишлайдилар, 1980 йилдан буён бўлимага раҳбар. "Милиция аълочиси" унвони бор. Халқ депутатлари шаҳар кенгаши ноиб. Талабчанлик, тарбияга эътибор, осойишталик учун қайгуриш, ҳақиқат учун кураш Баҳрулло акага хос хислатлардан. Бўлима учун етарли шарт-шароитлар яратиш, оталиқ ташкилотлар ҳисобидан компьютер ва бошқа замонавий техникалар сотиб олишда ҳам бошлиқ ташаббускор бўлган.

Биз ҳам уларнинг ишхоналаридаги шароитлардан қувондик. Компьютердан зарур маълумотни бир зумда олиш мумкин. Компьютер учун Ўзбекистон металлургия заводи ҳомийлик қилибди. Ҳар бир хизмат хонаси иш вазифасига мослаб жиҳозланган. Махсус машиналар хизмат учун доим шай. Ишнинг муваффақиятини кўзлаб қатор тадбирлар режалари тузиб қўйилган. Йўл-улов ҳодисаси содир этилганидан хабар

олишгач, бир неча дақиқа ичида ходимлар ўша жойда бўлишиб, ҳамжиҳатликда ишга киришилади. Бу жиноятни тезда фош этиш, айбдорни ушлаш, жабрланувчига ердан кўрсатиш, ҳаракатни тартибга солиш, гувоҳлар билан суриштирув ишлари олиб бориш имкониятларини яратади.

Яқиндагина бўлган бир воқеадан лавҳа: асосий йўл — Ғалаба кўчасидан келаётган мотоцикл ҳайдовчисини 13-даха мондан чиққан "Москвич" йўл бериш ўрнига, уриб юборди. Мотоциклда келаётган Г. Отабоев оғир жароҳатланди. Ўша заҳоти ДАН тезкор гуруҳи тузилиб ишга киришилди. Айбдорни қидириш бошланди. Бўлима ходимлари А. Гулмуродов ва И. Тўрабоевлар воқеа содир бўлган жойдаги гувоҳлардан бирининг кўрсатмаси билан қизиқиб қолишди. Улар тўғри шубҳаланишган экан. Эртаси кунни гувоҳ — "Сарбон" ҳиссадорлик жамиятида ишловчи Шомирза Холмирзаевнинг уйига бориб текширилди. Унинг "Москвич"и пачоқланган эди. Далиллар кўрсатилгач, у айбига иқроор бўлди.

Бўлима ходимлари шаҳар миқёсида жиноятчиликка қарши курашда, жиноятларни очишда, профилактик ишларда ички ишлар бўлими жиноят-қидирув, қўриқлаш хизматчилари, участка вакиллари билан ҳамкорликда ишлашмоқда. Бу ҳамкорлик аксарият ҳолларда самарали бўлаётир.

Болалар жароҳатланишининг олдини олиш, уларга ҳаракат хавфсизлиги қондаларини ўргатиш, бу борада суҳбат, мусобақалар уюштириш бўлима диққат марказида. 17 ходим шаҳардаги 17 мактабга, 33 боғчага, билим юртларига бириктирилган. Ходимлар у ерларда навбати билан тушунтириш ишлари олиб боришади. Шаҳардаги Х. Ғаниев номли боғча мактаб ўқувчилари учун, "Ўзбекистон" томошагоҳи олдида боғча болалари учун алоҳида ДАН шаҳарчалари мавжуд. 1987 йилдан буён фаолият аълочиси" унвони бор. Халқ депутатлари шаҳар кенгаши гуруҳлар республика, вилоят "Ёш автотранспортлар" кўрик-танловларида фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Яқинда 10-мактаб маъмурияти ДАН бўлимаси билан "Светафор" танловини уюштирди, худди шундай тадбирни бошқа мактабларда ҳам ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисидаги Қонунини амалга оширишда ДАН бўлимаси жамоаси ибрат кўрсатмоқда. Бугунга келиб деярли барча иш қозғалари ўзбекчалаштирилди. Ҳисобот ва ахборотлар, кўргазмалар воситалар ҳам давлат тилида эканлиги қувончлидир, чунки бошқа бўлимларда бу борада шунчалик иш қилишга ул-гурганларича йўқ.

А. БОБОНАЗАРОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

1965-1970 йиллар мобайнида вазирлик тергов бошқармасининг бошлиғи лавозимида Улуг Ватан уруши майдонларида кўрсатган шахсий жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Алексей Александрович Голубенко ишлаган. Республикамиз ички ишлар идораларининг тергов хизмати худди мана шу йилларда мустақил хизмат сифатида оёққа турди, унинг ходимлари тобора кўпроқ ишларни тергов қила бошлашган, илк бор терговчи кадрлар тарбияланган. Буларнинг ҳаммасида А. А. Голубенконинг хизматлари катта.

1963-1965 йилларда ички ишлар идораларида терговчи сифатида ўз фаолиятини бошлаган, кейинчалик етук мутахассис ва раҳбар бўлиб етишган, нафақат республикамизда, балки солиқ Иттифоқ миқёсида ҳам ном қозongan Раиса Ивановна Ильичевани, Тўхтасин Пирназарович Абдулҳақовни, Саркис Вартенович Калустяни, Уйғун Тўхтамуродович Султоновни вазирлик Тергов бошқармасининг кўплаб ходимлари ўзларининг устозлари деб биладилар ва уларни чуқур ҳурмат билан эслашади. Номлари тилга олинган бу кишилар республика ички ишлар идораларида тергов ишининг шаклланишига, жиноятчиликка қарши курашга муносиб ҳисса қўшганлар. Улар ўзларининг билимдонликлари, ишбилармонликлари, софдилликлари ва қатъийликлари билан доимо ажралиб туришган.

Жиноятчиликка қарши курашда терговчилар милициянинг бошқа хизматлари, биринчи навбатда жиноят-қидирув, иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш хизматлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Тергов хизматининг ички ишлар идоралари таркибиде эканлиги бу ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлашда, жиноятларни очиш ва тергов юритишда терговчилар ички ишлар идораларининг моддий-техника базасидан фойдаланишларида, лозим бўлган ҳолларда тергов-оператив тадбирларини ўтказиш учун бошқа хизмат ходимларини жалб этишларида қўл келмоқда.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тергов ходимлари

жойларда ҳуқуқий билимларни тарғибот этишда, жиноятларни содир этилишига имконият туғдирган сабаб ва шароитларни бартараф қилишда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ходимларига назарий ёрдам кўрсатишади.

Кўплаб терговчилар ўзларини моҳир ташкилотчи, милиция ишчи чуқур биладиган ходим сифатида кўрсатганлари учун ички ишлар идораларининг турли

жабрланувчиларга етказилган юз минг сўмликдан ортиқ моддий зарарни тўла қопланишини таъминлашга эришди. Тергов натижаларига кўра жиноятчилар суд томонидан турли муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

А. Мавлонов ҳам тергов ишида турли лавозимларда ишлаб келиб, 1980 йилдан 1989 йилга қадар Асака шаҳри ички ишлар бўлимининг бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди. 9 йил мобайнида бу ерда

тергов бошқармасида кўплаб терговчиларнинг устози ҳам ҳисобланади, ёшларга доим ўзининг иш тажрибасини ўргатиб, уларга хизмат вазибаларига масъулият ва ҳалоллик билан ёндошишда ўрнак бўлиб келмоқда.

Аёлларимизнинг меҳнати вазирлик раҳбарияти, ҳукумат томонидан муносиб баҳоланган. Масалан, Н. П. Абаева "Ички ишлар вазирлигининг хизмат кўрсатган ходими" нишони билан

терговчиларнинг фидокорона меҳнатлари оқибатида ва албатта жиноятларни очиш ҳамда тергов қилишда тергов ходимларининг жиноят-қидирув ва иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлиналари билан, милициянинг барча хизматлари билан ҳамкорлигининг яхшиланиши натижасида эришилди.

Ички ишлар идораларининг барча тергов бўлиналари жиноятчиликка қарши курашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Лекин, жуда катта иш ҳажмининг бажараётган Тошкент шаҳри ИИББ, Тошкент вилояти ИИББ тергов бошқармалари, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Фарғона вилоятлари ИИББ тергов бўлимлари ўз хизмат фаолиятларида юқори кўрсаткичларга эришиб келаётганларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИББ тергов бўлимининг бош терговчиси, милиция майори Э. Мелибоев, Тошкент шаҳри ИИББ тергов бошқармасининг катта терговчиси, милиция катта лейтенанти Т. К. Раҳматуллаев, Самарқанд вилояти ИИББ тергов бўлими бошлигининг муовини, милиция майори А. Яҳёев, Фарғона вилояти Бағдод тумани ИИББ бош терговчиси Р. Алихонов, Қашқадарё вилояти Китоб тумани ИИББ тергов бўлими ходими, милиция подполковниги Д. Самадов каби кўплаб тергов ходимлари ўз хизмат бурчларини намунали адо этиб келмоқдалар.

Тергов хизматлари учун узоқ йиллар мобайнида малакали кадрлар етиштириб беришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи, Ички ишлар вазирлиги олий мактабига ҳам бугун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Кутлуг сана арафасида мен Ўзбекистон Республикаси ИИББ Тергов бошқармаси раҳбарияти номидан республикамиз ички ишлар идораларининг барча тергов ходимларини, тергов ишнинг фахрийларини табриклаб, уларнинг ҳалқимиз осойишталигини, қонунчилигини мустаҳкамлаш йўлидаги серташвиш меҳнатларида катта муваффақиятлар тилайман.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИББ
Тергов бошқармасининг бошлиғи,
милиция полковниги.

ЎТА МАСЪУЛИЯТЛИ ХИЗМАТ

раҳбар лавозимларига тайинланганлар.

Сурхондарё ва Андижон вилоятлари ички ишлар идораларининг фахрийлари, милиция полковниклари Рўзи ака Норқулов ва Араббой ака Мавлоновлар ана шундай кишилардан. Улар ички ишлар идораларида ўз фаолиятларини 1959-1960 йилларда бошлаган бўлиб, дастлаб суриштирувчи лавозимида ишлаган. Тергов хизмати тузилгандан сўнг терговчи, бош терговчи сифатида фаолият кўрсатганлар, тергов бўлими бошлигининг муовини лавозими даражасига кўтарилганлар.

Р. Норқулов 1972 йилдан 1982 йилга қадар Жарқўрғон тумани, Термиз шаҳар ички ишлар бўлимига раҳбарлик қилган, сўнг яна тергов ишига қайтиб, 1990 йил март ойигача Ленин йўли, Ангор туманлари ички ишлар бўлимида бош терговчи бўлиб ишлаган. Нафақага чиққандан сўнг ҳам Рўзи ака Термиз шаҳари ички ишлар бўлими тергов бўлимида терговчи лавозимида ишлаб, мингдан ортиқ жинойи ишлар бўйича ёшларга ўзининг ниҳоятда катта амалий ва ҳаётий тажрибасини ўргатиб келмоқда.

Р. Норқулов Афғонистон Республикасининг икки фуқаросига нисбатан яқинда содир этилган босқинчилик бўйича тергов олиб бориб, бу оғир жиноятни содир этган тўртта шахсни аниқлашга,

жиноятчиликка қарши курашнинг бошида турган Араббой ака 1989 йилнинг баҳоридан яна тергов ишига қайтди ва ҳозирги кунларда вилоят ИИББ тергов бўлими бошлигининг муовини лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

Тергов ходимлари ҳақида гапирганда, бу машаққатли ва шарафли меҳнатга ўзининг умрини, ёшлигини, билимини, куч-қувватини бағишлаган аёлларимизни албатта эслаб ўтиш лозим. Тергов бошқармасида 1967 йилдан 1986 йилгача терговчи, бош терговчи бўлиб ишлаган Холида Иноятовна Абдуллаева, ҳозирги вақтда алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи бўлиб ишлаётган милиция полковниги Нонна Петровна Абаева, милиция подполковниги Қурбонбиби Султонова, Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармасининг бош терговчиси, милиция полковниги Надежда Павловна Погосовалар ана шулар жумласидан.

Бу аёлларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида китоб ёзишга арзигулик фактлар жуда кўп. Жумладан, Н. П. Абаева давлат ва жамоат мулкни талон-торож қилиб келган бир қанча жинойи гуруҳларнинг фаолиятларини фож қилган, ўзининг юксак касбий маҳорати туфайли энг оғир ва тергов қилиш учун қийин бўлган ишлар бўйича айбланувчиларнинг айбини тасдиқлашга етарли далил-исботларни олган мутахассис. У

тақдирланган, Н. П. Погосовага эса "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвони берилган.

Маълум бир даврдан буён ички ишлар идораларининг барча ходимлари каби, терговчилар ҳам жиноятчиликнинг, айниқса унинг оғир турлари ўсиши билан боғлиқ бўлган мураккаб бир шароитда меҳнат қилмоқдалар. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Перезидентининг, ҳукуматининг кейинги йилларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жиноятчи унсурларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган изчил сиёсати туфайли тергов хизматларининг фаолиятида ҳам бурилиш ясашга муваффақ бўлинди, тергов ходимлари ўзларининг олдиларидаги вазибаларини асосан удалаб келмоқдалар.


Фақат яқунланган 1992 йилда ички ишлар идораларининг терговчилари 77 мингдан ортиқ жинойи ишлар бўйича тергов олиб бордилар, қарийб 39 мингта яқин жиноят содир этган шахсларни фож этиб, қонуний жавобгарликка тортдилар, жинойи ишларни тергов қилиш даврида қўшимча равишда 5 мингта яқин жиноятларни очдилар, давлатнинг жиноятчилар томонидан талон-торож қилинган 51 миллион сўмлик моддий бойликларини қайтариб бердилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу натижага

ЖИНОЯТЧИЛИККА қарши кураш айна кўнининг долзарб вазибаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасининг жиноят-қидирув бўлими ходимлари ҳам тадбиркорлик билан иш олиб бормоқдалар. Уларнинг тезкор ва айниқса аниқ ҳаракатлари туфайли жиноятчилардан ноқонуний сақланаётган қуроллар тортиб олинган.

Суратларда: (чапдан) Урганч шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция капитани К. Юсупов, вилоят ИИБ ЖҚБ бошлиғи, милиция подполковниги Қ. Избостиев, Урганч шаҳар ИИБ катта терговчиси, милиция капитани Р. Нуруллаев ҳамда вилоят ИИБ ЖҚБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Б. Шариповлар жиноятчилардан олинган қуролларни кўздан кечирмоқдалар; тортиб олинган қуроллар.

С. БОБОЕВ олган суратлар.



Қисқа сатрларда

ГУМОН
Ш. Турсунов эрталаб Тошкент тиббиёт институти клиникаси ёнидаги дўкондан икки шиша вино харид қилиб, таниши Ҳ. Мингазитдинов билан бирга ичди. Хурмачасидан ортиқроқ олган эканми маст бўлиб, ўша жойнинг ўзида ухлаб қолди. Сал ўзига келиб қарасаки, жўраси кетиб қолибди. Бирдан чўнтагида пули ва сигарети борлиги ёдига тушди. Аммо уларни кимдир "шилиб" кетган эди.

Ш. Турсунов шеригидан шубҳа қилиб, уйига келдию пичоқни олиб уникага жўнади. Мингазитдинов айвонда ухлаб ётган эди. Уни келини уйғотди. Ш. Турсунов билан иккаласи анча вақтгача баҳслашишди. У йўқолган нарсаларини топиб беришини талаб қилди. Аммо Мингазитдинов олмаганини айтди. Уртада жанжал қилди. Ш. Турсунов кўп ҳам ўйлаб ўтирмадида, унинг юрагига пичоқ санчди. Ўзи эса жуфтакни ростлади. Мингазитдинов айвонда қонга беланиб қолаверди.

Орадан анча вақт ўтгандан сўнг, келини бир юмуш билан айвонга чиқса қайнотаси қонга беланиб ётибди. Қўрқиб кетди, эрини чақирди. Ўгли келиб қарасаки, отасининг аҳволи оғир. "Тез ёрдам" чақириб беморни касалхонага олиб боришди. Шифокорларнинг барча саъй-ҳаракатлари бекор кетди. У касалхонада вафот этди.

Шайхонтоҳур тумани халқ суди ушбу жинойи ишни кўриб чиқди. Суд содир этилган бу қотилликнинг барча томонларини эътиборга олиб,

Ш. Турсуновни тўққиз йилга озодликдан маҳрум этди.

Иззат АҲМЕДОВ.

ЖИНОЯТЧИ УШЛАНДИ

Тунги соат иккиларда Тўрткўл тумани ички ишлар бўлими қошидаги марказлашган соқчилик пултнинг "Восита" дўконига ўрнатилган ташвишгоҳи ишлаб кетди. Навбатчилик қилаётган тезкор қўлга олиш

гуруҳи ходимларидан милиция кичик сержанти Г. Исмоилов, оддий милиционер И. Жабборовлар санокли дақиқалар ичида воқеа содир этилган жойга етиб бордилар. Улар текин бойлик ишқибози, ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари Ўзбекистон Республикаси ЖМ нинг 114-моддаси 1-қисми билан судланган, "Намуна" жамоа хўжалигида яшовчи К. А. деган шахсни ўғирлик устида қўлга туширдилар.

Б. АБАЗМЕТОВ.

учун фильм. "Зангори патруль". 9.55 "Саеҳатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 Театр шивандалари, Сизлар учун! Ю. О'Нил. "Узун кундан кейинги тун". Россия Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Ён дафтар". 15.10 Болалар учун фильм. "Зангори патруль". 16.15 Липецк фольклор ансамблининг чиқиши. 16.30 "Иш". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Маккага йўл" кўрсатувини таништиради. МДХлик зиёратчи репортажи. 17.50 "Инсон ва кунун". 18.15 "Вагон-03". 18.45 "Муъжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Хафтанинг машхур кишиси". 20.40 "Опоқ либослар". Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 22.00 Катталар учун мультфильм. 22.10 "Матбуот-экспресс".

"ВИД" таништиради:
22.25 "Сиёсий бюро". 23.35 "Музобоз". 00.15 "Обоз" майдончаси. "Рондо гуруҳи". Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 "Сиёсат майдонида". 8.55 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 10.45 Мультфильм. 10.55 "Ишдан бўш пайтингда". 11.10 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 152-серия. 12.00 "Жонланган сувратлар". 12.45 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.10 "Ижица". 13.40 "Хайвонот оламида". 14.40 Телебизжа. 15.10 Янгилар. 15.25 "Рост" студияси. "15 ёшли капитан". 15.55 Жума кунлари Дисней. "Ер сайёрасига юборилган". Бадий фильм. 5-серия. 16.45 Парламент хабарномаси.

17.00 — 18.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.00 "К-2" таништиради. "Оскар-93". Голливуддан кўрсатув. 20.45 "Келинг, аниқлаб олайлик".

21.00 — 24.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ШАНБА 10 АПРЕЛЬ
УзТВ I
7.00 "Ассалому алайкум".

8.00 Дунё хабарлари. 8.10 "Огарева, 6". Бадий фильм. 9.35 "Алифбо сабоқлари". 10.05 "Истиклол фидойилари". Навоий вилояти Олтинсой давлат хўжалиги бош чўпони Ж. Хўжамуродов ҳақида телеочерк. 10.20 Болалар учун. "Санъат гунчалари". 10.50 "Чорраҳа". 11.20 "Грифон" мукофотининг совриндорлари. "Ўзбектеlevision" студияси. 12.20 "Саноат одимлари". 12.50 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги намунали оркестрининг концерти. 13.30 "Бу турфа олам".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Ўйла! Изла! Топ!". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Оламга саеҳат". Кинокўрсатув. 20.05 "Ватан меҳри". Адабий кўрсатув. 20.30 "Туркистон" ахбороти. 21.00 "Оқшом эртақлари". 21.15 "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муножот Йўлчиева куйлайди". Видеофильм премьераси. 22.15 "Кўшқопқон". Бадий фильм. 1-серия. 23.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Трактор" (Тошкент) — "Пахтакор". Ёзиб олинган. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II 17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ "ОРБИТА IV"
5.45, 7.30, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00

"Матбуот-экспресс". 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилар. 7.35 "Спорт-имконият". 8.10 "Марафон-15" — кичкинтойларга. 8.35 Шанба кунги дастхат. 9.05 "Экстро-НУЖ". 9.35 Экологик шарҳ. 9.50 "Алвидо, фалсафа!". Телефильм. 10.25 "Веди". 11.05 Тиббиёт ҳамма учун. 11.45 "Мулкдор алифбоси". 11.55 "Қизил космос". Телевизион хужжатли фильм премьераси. 12.25 "Ўтмишда". "Максимка". Бадий фильм (Киев киностудияси, 1952 й.). 14.00 Янгилар. 14.25 Союзлар уйининг Колонна залида Владияр концерти. 15.25 "Ишонч кун". 15.35 "Сеними, шошмай тур!". Мультфильм. 15 ва 16-фильмлар (25 йиллик юбилейига). 16.00 "Ультра-си". Спорт кўрсатуви. Футбол. Ёшлар командалари ўртасида жаҳон чемпионати. 16.55 "Қизил квадрат". 17.35 "Хайвонот оламида". 18.15 "Оба-На-Угол-Шоу". 18.45 "Колабия пикчерс" таништиради. "Зулматдаги отишмалар". Бадий фильм премьераси. "Майк Хаммер" телесериалидан. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Колабия пикчерс" таништиради. "Анна Каренина". Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 21.20 "Ҳеч нарса ҳақида репортаж". 21.30 "Брейн-ринг". 22.20 "Қорқиз ва етти гном". Э. Рязанов Л. Парфенов билан суҳбатлашади. 23.00 Янгилар. 23.40 "Любэ": янги диск, янги клип". 24.00 "Матбуот-экспресс". 00.10 "Сновидение" тунги канали.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.20 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 7.45 "Амурлар ҳаммаша голиб". Мультфильм. 7.55 "Формула-730". 8.25 "Рост" студияси. "Бизнинг "Аралаш-қуралаш". 8.55 "Ҳали анланмаган коинот". 9.25 "Бурда моден" тавсия этади... 9.55 "Мансаб алифбоси". 10.10 Такрорий фильмлар кинотеатри. "Санников ери". Бадий фильм.

11.40 — 15.00 "ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
1. "Севги куйчаси". Композитор Манас Левиев. 2. "Интерспорт". 3. Баҳор тароналари. 4. "Цирк! Цирк! Цирк!".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 "Андишаларга бормай". Оламнинг руҳий ҳолати ҳақида фильм. 15.55 "Чегарасиз футбол". 16.50 Спорт кўрсатуви.

17.00 — 21.25 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.25 "Мутлақо махфий". 22.20 "Шарман-шоу". 23.50 "К-2" таништиради. "Америка юлдузлари". 00.25 Тунги сеанс. "Чукотка бошлиғи". Бадий фильм.

ЯҚШАНБА 11 АПРЕЛЬ
УзТВ I
7.00 Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов куйлайди.

8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 11-серия. 9.15 "Ўзбекистон спорти". 9.45 Инглиз тили. 10.15 "Дехқончилик ва экология". 10.35 "Муъжизалар маскани". Масхарабоз Ақром Юсупов ижоди. 11.35 "Мактаб ва ҳаёт". 12.15 "Ватанпарвар". Олмонияда йигитлик бурчини ўтаётган ўзбекистонлик аскарлар ҳақида. 13.15 "Мулоҳаза". Адабиёт ва маънавият.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Ер истаб". Мусликий лавҳа. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Ўзингни эр билсанг". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Лайлақлар". "Ўзбектеlevision" премьераси. 19.30 Жаҳон спорти янгилари. 19.40 "Музыка жавони". 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Вилоят

театрларида". Йўлдош Охунбоев номидаги Андижон мусликий театрининг "Тоҳир ва Зухра" спектакли премьераси. 22.50 "Кўшқопқон". Бадий фильм. 2-серия. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II БИШКЕК КЎРСАТАДИ
9.05 — 12.10 "Хуш хабарлар"; "Жилдиздду бала"; "Баластандин мейманканасинда"; "Кимде кунос?". 1-кўрсатув; "Бабалардан калган соз"; мультфильм.

18.05 "Степа — денгизчи". Мультфильм. 18.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт (рус тилида). 19.30 Хабарлар (рус тилида). 19.45 "Дидарлашуу". 20.15 "Қумдаги этюдлар". Телефильм. 20.30 Хабарлар. 20.45 Т. Исмоилов. "Авийр дати". Телеспектакль.

"ОРБИТА IV"
5.50, 7.30, 14.15, 23.15 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 "Рухни чиқитириш". 6.55 Янгилар. 7.35 Эрталабки гимнастика. 7.45 "Спортлото" тиражи. 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта сахарла". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси". Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция). 9.00 "Ҳозирча ҳаммаси жойида". 9.30 "Тонг юлдузи". 10.20 "Соло". 10.50 "Ҳарбий ревью". 11.25 "Ишқий ёзишмалар" ёки "Соня билан Америка томон саеҳат". 11.50 "Қора кўркам от саргузаштлари". Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 12.15 "Марафон-15" — старт". "КТВ-1" ва "Франс интерсиональ" канали таништиради: 13.00 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгилар. 14.20 Халқ оҳанглари. 14.30 "Саеҳатчилар клуби". 15.20 Мультфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина овловчиси". 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 "Панорама". Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.00 "Донишманд". "Ленком" Москва театри фильм-спектаклининг премьераси. А. Н. Островскийнинг "Ҳар тўқисда бир айб" пьесаси асосида. 20.55 Эълонлар.

21.00 "Яқунлар". 21.45 "Орзулар вокзали". Юрий Башмет. 22.40 "Ғам-андухимни орқага ташлаб". Телефильм. 23.00 Янгилар. 23.20 Бутунроссия кинобозори. 24.00 Футбол. "Уэмбли сари йўл".

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.20 "Шамол учиб ўтади". Хужжатли фильм. 8.05 "Танаффус". 8.15 "Кувнок Греция". Мультфильм. 8.25 "Ғап-ғаштакларни кўмсаб". 8.55 "Рост" студияси. "Қуни узайтирилган группа". 9.25 "Фольклор". 9.55 "03" кўрсатуви. 10.25 "Ати-бати...".

10.55 — 15.25 "ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
1. "Жаҳон ва биз". 2. "Умид" (уйгур тилида). 3. "Коинотнинг сирли олами". 4. "Рангинкамон" (тожик тилида). 5. "Замандас" (қозок тилида).

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.25 "Оқ қарга". 16.10 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни-Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч".

17.00 — 19.25 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 Си-Би-Эс кинотеатри. "Джулия ким бўлади?" Бадий фильм (АҚШ).

21.00 — 24.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
("Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" дастуридан).

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН бошқармаси йўл-патруль хизмати бўлими қошида алоҳида рота назоратчилари республикамиз автомобил йўлларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ишларида ички ишлар идораларининг бошқа хизмат ходимлари билан бирга фаол иш олиб бормоқдалар.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида бизнинг рота назоратчилари томонидан 1992 йилда 148268 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди. Бу қоидабузарликларнинг 60755 таси йўлларда ҳаракатланиш қондасини қўпол равишда бузишдир. Бундан ташқари маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган 665 ҳайдовчи ушланди. Бу рақамлар

Муштарак мақсад йўлида

назоратчиларимизнинг иш самарадорлиги қандай эканлигини ўз-ўзидан кўрсатиб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки назоратчиларимиз фақатгина йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузувчи ҳайдовчиларни аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, турли хил жиноятларни очишда ҳам жонбозлик кўрсатишяпти. Жумладан, автомобиль ўғриларини ушлаш, ўғирлаб, кетилган автомобилларни топиш, жазодан қочиб юрган хавфли жиноятчиларни тутиш, шунингдек ҳозирги вақтинчалик қийинчиликлар, танқисликлар пайтида жумхуриятимиз аҳолиси учун ҳам зарур бўлган ва дўконларда ҳар доим ҳам топилавермайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа камёб молларни ўз шахсий манфаатини ўйлаб, текин даромад орттириш мақсадида республикамиз ҳудудидан олиб чиқиб кетишга уринаётган, халқ хўжалигига жиддий зарар етказётган нопок шахсларни ушлашда ҳам самарали ишларни амалга оширишмоқда. Гап шу ҳақда бораркан бир-неча мисолларни айтиб ўтиш ўринлидир.

Шу йилнинг 24 февралда милиция сержанти Р. Алимбеков хизмат вазифасини бажарётган одатдагидек текширув учун "ЗИЛ-45023" русумли, давлат рақами 69-57 ТНБ бўлган юк автомашинасини тўхтатган. Текширув жараёнида, автомобиль юкхонасида 3000 килограмм маргарин олиб кетилаётган маълум бўлди. Лекин назоратчи синчковлик қилиб маргарин қутиларини очиб кўрди. Шунда бу кўзбўямачиликнинг миси чиқиб қолди. Маълум бўлишича ҳайдовчи маргарин қутиларида сариеғ олиб кетаётган экан. Милиция сержанти Р. Алимбековнинг хушёрлиги, хизмат бурчига содиқлиги туфайли текин даромад топиш илнжидида халқ мулкига кўз олайтирган нопок шахслар мақсадларига ета олмадилар. 3 тонна сариеғ ҳақиқий эгаларига қайтарилди. Сержант машинани ва маҳсулотларни Бектемир тумани ИИБ иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлимига топширди.

Аниқланган яна бир жиноий иш ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Шу йилнинг 5 март кунини С. Раҳимов туманида хизмат вазифаларини бажарётган милиция лейтенанти Қ. Сайдуллаев, милиция сержантлари Ф. Қурбонов ва А. Аристановлар "Миконд" заводи дарвозасидан чиқиб келаётган "МАЗ" русумли, давлат рақами 07-94 ВЕ бўлган автомашинани тўхтатишди. Келесдаги "Ватанпарвар" жамияти (аввалги ДОСААФ) га қарашли бу автомобиль текширилганда кабинадаги, ҳайдовчининг кўрпачаси остидан 4 боғлам, турли хил ўлчовларда кесилган металл чиқди. Лекин ҳайдовчи ҳам унинг ёнидаги шериги ҳам бу металл кимники эканлигини билмаймиш, деб туриб олишди. Машинани заводга қайтариб олиб боришга тўғри келди. Завод қоровули, унинг бошлиғи, завод раҳбарлари чақирилди. Қоровул машинани текширмасдан чиқариб юборганлигини тан олди. Шу ерда олиб борилган суриштирув натижасида ишчилардан бири ҳайдовчидан металлни у айтган манзилга олиб бориб беришини сўраганлиги маълум бўлди. Завод раҳбарларининг таъкидлашларича бу 4 боғлам темир халқ хўжалигимиз учун катта аҳамиятли нархи жуда ҳам қиммат бўлган рангли металл экан. Салкам 500 килограммик бу ноёб хом ашёни текин бойлик орттириш мақсадида ўғирлаган кимсалар чув тушишди. "Миконд" заводи етказилаётган катта моддий зарарнинг олдини олишга қўшган муносиб улушлари учун ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Жинояткорона тил бириктирган шахслар эса қонун олдида жавоб берадиган бўлдилар.

Назоратчиларимизнинг кундалик фаолиятларида бу каби мисоллар кўплаб топилади. Булардан ташқари Сурхондарё вилоятининг қўшни Тожикистон билан чегарадош туманларида хизмат қилаётган ҳамкасбларига ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, ўша туманларда тартиб-интизом, тинчликни сақлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ишларида фаоллик кўрсатишмоқда.

Утган 1992 йилда биз республикамиз миқёсида ўтказилган жуда кўп тадбирларда иштирок этдилар. Жумладан, "Тоза ҳаво", "Диққат болалар", "Диққат темир йўл кесишмаси" ва бошқалар.

Иш фаолиятимизда асосий эътиборни халқимизнинг тинчлигини сақлаш, йўлларимизда содир бўлаётган турли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, республикамиз Президенти олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлашга қаратаёلمиз. Биз ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ва йўллардаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ишлари бўйича бир қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқиди ва уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилаёلمиз. Ўйлайманки, бу тадбирларимиз ўз ижобий самарасини беради.

Ибодилло БОБОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН бошқармаси йўл-патруль хизмати алоҳида рота командири, милиция майори.

МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСКАНИ

Ўқув юртимиз тарихи 1969 йилдан бошланади. Ўшанда ҳарбийлаштирилган ёнгиндан сақлаш 9-мустақил қисмида шундай хизмат бўлиналари учун ўрта раҳбарлар тайёрлаш курслари очилган эди. 1985 йилда у Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент ёнгиндан сақлаш-техника ўқув юртига айлантирилди.

Ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар таркибини шакллантиришда ўқув юрти фахрийларидан А. Артухов, А. Володин, Р. Хусанов, В. Киселёв, Р. Қулматовларнинг хизматлари катта.

Ҳозирги кунда билим муассасамиз ажойиб иморат ва турар жой биносига эга. Уларда 16 та махсус хона ва 7 та

лаборатория, замонавий техника билан жиҳозланган ёнгиндан сақлаш ўқув қисми мавжуд. Ўқув хоналарининг барчаси электрлаштирилган стендлар, макетлар, назорат қилувчи - ўргатувчи мосламалар, кино ва диопроекторлар билан ускуналанган, ўқув телевидениеси ишлаб турибди.

Замон талабига мувофиқ бутун ўқув-тарбия жараёнини янгилаш амалга оширилмоқда. Ҳар бир фан бўйича машғулотлар дастури, ўқув

материалининг ҳажми, дарс бериш услуби, жамоатчилик билан ишлаш шакллари қайта кўриб чиқилди. Талабаларни амалий ишга тайёрлашни ташкил этишда техникадан фойдаланиш маҳоратини ошириш, ёнгинларни ўчириш усуллари эгаллаш, жисмоний тарбияга асосий эътибор берилди.

Кейинги йилларда амалий ўйинлар, гуруҳ бўлиб машқ қилиш, тактика-махсус комплекс машғулотлар каби ўқитишнинг илғор усул ва шакллари тобора кенг қўлланилмоқда.

Ўқув юртининг раҳбарияти байналмилал тарбияга алоҳида эътибор бериб келмоқда, зеро бу ерда ўндан ортиқ миллат вакиллари таълим олишади.

Талабаларнинг дам олиш вақтини кўнгилдагидай ўтказиш ҳам яхши ташкил этилган. Ўқув юрти қошидаги

клубда ашула-чолғу дастаси мавжуд. Спорт секциялари ишлаб турибди. Уларда дзюдо кураши бўйича халқаро мусобақалар совриндорлари И. Пискарев билан А. Багдасаров етишиб чиқди, ёнгинга қарши амалий спорт тури бўйича етти спорт устаси ва ўттиз нафар спорт усталигига номзод тайёрланди.

Ўқув юрти жамоаси талабаларни ҳар томонлама тўқис тайёрлаш борасида мураккаб вазифаларни ҳал этмоқда. Бунинг учун барча шарт-шароит мавжуд.

А. УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Тошкент ёнгиндан сақлаш-техника ўқув юрти бошлигининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги.



қиш мавсумларида, об-ҳаво ёмонлашгани туфайли турли қурилиш бинолари ҳамда вагончаларни қўлбола мосламалар билан иситиш натижасида ва ёнгинга қарши оддий қондаларга риоа қилмаслик оқибатида рўй беради.

Қурилишларда юз берган ёнгинларнинг таҳлили, агар қурувчилар бепарволик қилмасалар уларнинг кўпчилигининг олдини олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Ёнгиндан

сақланадиган омборларга тарқалиш хавфини туғдирмоқда. Қуйидаги жойлардаги қурилиш майдончаларида энг кўп ёнгин чиқди: Тошкентда 64 марта (келтирилган зарар 506 минг сўм), Тошкент вилоятида 53 марта (келтирилган зарар 586 минг сўм), Навоий вилоятида 33 марта.

Олов билан эҳтиётсиз муомала қилиш натижасида Тошкент вилояти Келес қасабаси А. Ниёзов кўчасидаги қурилишда чиққан ёнгин оқибатида 278 минг 860 сўмлик зарар кўрилди. Тошкентдаги Собир Раҳимов кўчасида қурилатган "Охун Гузар" мачити қурилишида қурувчилар электр ускуналаридан нотўғри фойдаланишлари оқибатида ёнгин чиқди. Кўрилган зарар 504 минг сўмни ташкил этди. Ёнгинларнинг кўпчилиги куз-

ҚУРИЛИШЛАРДАГИ ЁНГИНЛАРГА

Республикада қурилатган объектларда ёнгиндан муҳофаза қилиш аҳволи алоҳида ташвиш уйғотмоқда.

Масалан, ўтган 1992 йилда республика қурилиш майдонларида 243 та ёнгин чиқиб, улар келтирган зарар анча маблағни ташкил этди. Қурувчилар томонидан оловли ишларни бажариш ва электр асбоблари ҳамда ускуналаридан фойдаланиш қондаларига риоа қилинмаслик, маиший, электр иситкичларни нотўғри ишлатиш, ўт билан эҳтиётсиз муомала қилиш ёнгин чиқишининг асосий сабаблари бўлмоқда. Ёнгинларнинг ярмидан кўпроғи ёрдамчи бинолардан чиқиб, қурилатган бинолар материаллар ва ускуналар

ЧЕК ҚЎЯЙЛИК

муҳофаза қилиш ходимлари ўтказган текширишлар бир қатор объектларда ёнгиндан муҳофаза қилиш қондаларига риоа қилинмаслигини, белгиланган қондалар қўпол равишда бузилаётганлигини кўрсатмоқда.

Масалан, "Сифат" тажриба-ишлаб чиқариш бирлашмасининг 75-қурилиш бошқармаси қурилиш ишларини олиб бораётган Тошкент "Наврўз" музикали драма театрида

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан сақлаш-техника аҳволини текширганларида бир қатор жиддий камчиликлар очиб ташланди. Бутун қурилиш майдонида вақтинча тортилган электр симларидан фойдаланилади, симлар бир-

бирига уланган жойлар очиб қолдирилади, ёнгинни ўчирадиган оддий воситалар ҳам йўқ, электр пайвандлаш ишлари ва сақич эритиш ёнгиндан муҳофаза этиш қондаларини қўпол равишда бузиш ҳолда олиб борилади.

Қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, ҳар бир қурувчи кўтарилаётган муаммонинг муҳимлигини тушунишлари, ёнгиндан муҳофаза қилиш қондаларини билишлари ва унга қатъий риоа қилишлари даркор.

А. ПУТИН,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁСБ илмий-техника бўлимининг бош мутахассиси, ички хизмат майори.

ҚЎЙ ЎҒРИЛАРИ УШЛАНДИ

Ёмон гап, ташвишли хабар бир зумда тарқалади. Қўй ўғрилари тўғрисидаги хабар ҳам шундай бўлди. У бир кунда туманининг деярли барча жойига етиб борди: 9 январга ўтар кечаси Ғузур тумани М. Раҳмонов номли жамоа ҳўжалигининг Ғалча қишлоғида яшовчи Шоқир Аллаев молхонасининг орқа тарафидан тешиб бир йўла 45 бош қўйини ўғирлаб кетишибди.

Бу кўнгилисиз хабар тўғрисида маълумот келиши билан туман ички ишлар бўлими ходимлари оёққа туришди. ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция капитани Ибодулла Қодиров бошчилигида тезкор гуруҳ тузилди.

Гуруҳ аъзоларининг дастлабки уринишлари анча самарасиз бўлди. Қилинган ҳаракатлар, туну-қуң олиб борилган қидирувлардан ҳеч натижа чиқмади. Ниҳоят, январь ойининг охирига келиб гуруҳ аъзолари ўғрилارнинг изини аниқлашди. Из дастлаб уларни Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилояти Еттисув туманига етаклади.

Милиция капитани Зокир Ўринов ва милиция катта лейтенанти Саид Хўжақуловлар ўғрилик молларнинг сотилишидан хабардор деб гумон қилинган Н. деган шахсни излаб топдилар. У билан суҳбат натижасида бу қўйлар Зомин туманида сотилганлигини билиб олишди. Изкуварлар шу кун, яъни 3 февралда Жиззах вилоятининг Зомин туманига етиб келдилар. Бу ерда уларга ҳамкасблари — Зомин тумани ички ишлар бўлими

бошлигининг ўринбосари, милиция капитани Ўқтам Маҳмуджонов, жамоат тартибини сақлаш бўлимининг катта назоратчиси, милиция капитани Баҳром Эшпўлатов ҳамда участка вакили, милиция капитани Бўрибек Қурбонбоевлар яқиндан кўмаклашдилар.

Ўғрилик қўйларни "4-разъезд" (темирйўл бекати) аҳволи пунктида яшовчи Жоникул бобо Ғаймов сотиб олган экан. Бу ҳақда тезда Ғузур тумани ички ишлар бўлимига хабар қилинди. 4 февраль кун гуруҳнинг бошқа аъзолари қўйларнинг эгаси билан Зомин туманига етиб боришди. Жоникул бобо ҳам бўлган воқеанинг ҳаммасини айтиб берди ва ўғриларни фош этишга кўмаклашиш учун гуруҳ аъзолари билан бирга Ғузур туманига келди. Йўл-йўлакай ўғриликда гумон қилинаётганларни ушлаш режаси тузилди. Эрталаб соат 8 га қадар гумондорларнинг учтаси қўлга олинди. Шу кун ўғриликка боғлиқ 7 киши милиция ходимлари томонидан туман ички ишлар бўлимига олиб келинди. Уларнинг асосий қисми дастлабки суриштирув пайтидаёқ ўз айбларини бўйнига олишди.

Туман ИИБ ходимларининг сергаклиги, жонбозликлари туфайли ўғрилик билан боғлиқ яна бир жиноят очилди. Айни пайтда айбдорлар фаолияти юзасидан тергов ишлари олиб борилаёпти. Тергов ишлари кетаётганлиги туфайли айбдорларнинг насл-насабини сир тутдик. Ҳадемай уларнинг жинояти тўлиқ очилиб, тегишли жазоларини оладилар. Қилмиш-қидирмиш деб шунга айтадилар. Зеро текин даромадни изловчи кимсалар ҳар доим ҳам жазодан қутилиб қолавермайдилар.

Б. АҲМЕДОВ,
Ғузур тумани ички ишлар бўлими бошлиғи,
милиция подполковниги.

ВИЖДОН НЕЧА ПУЛ, КЎМАКЧИЛАР?

Хазорасп тумани ИИБ участка вакили Баҳром Қуриёзов, ЖКБ тезкор вакили Боғибек Матқонов ва катта назоратчи Зоир Абдураимовлар соат тунги йигирма иккилардан ошганда Туркменистон Республикаси чегараси атрофини кўздан кечириб юришганди. Бир пайт тунги сокинликни бузиб, "КамАЗ" юк машинасининг қораси кўриди. Милиция ходимлари 29-81 МХЛ рақамли "КамАЗ" машинасини назоратдан ўтказиш учун тўхтатишди. Машина юкхонаси кўздан кечирилганда унда 20 бош қорамол борлиги аниқланди. Бу молларни туркменистонлик меҳмонларимиз туман бозоридан сотиб олиб, юртларига равона бўлишаётган экан. Меҳмонларимизнинг гапига қараганда, молларни сотиб олишда ҳам, чегарага етказиб беришда ҳам уларга хоразмлик "местный" "земляк"ларимиз яқиндан ёрдам кўрсатишибди. Албатта, текинга эмас, "хизматлари" учун эвазига мўмай пул олишибди.

"КамАЗ"даги 20 бош қорамол (умумий қиймати 250 минг) олиб қолиниб, давлат ҳисобига мусодара қилинди. Шунингдек, улар қонунбузарликлари учун яна ёнларидан жарима тўлашга мажбур бўлишди.

Хўш, қонунбузарлар-ку жазосини олдиқуя, аммо уларга шарт-шароит яратиб берган, чекка йўлга солиб юборган шахсларга нисбатан қандай чора кўрилди? Ҳеч қандай! Улар эса фақат ўз ризқларини эмас, виждонларини ҳам қўшиб сотиб юборганлар. Бўлмаса, бошқа республикадан келган кимсаларга мол

топиб бериб, вилоятнинг чекка жойларидан яширинча чиқиб кетишларига кўмаклашармидилар?

— Ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 70 га яқин чорва моллари вилоят ҳудудидан четга чиқарилмай ушлаб қолинди, — дейди туман ИИБ бошлиғи, милиция капитани Шавкат Абдуллаев. — Йил бошларида Туркменистоннинг Чоржўй ва Мари вилоятларига қарашли катта юк машиналари қўлга олинди. Бу машиналар ҳам жанубий чегарамиздаги Қорақум орқали Туркменистонга йўл олган экан. Катта микдордаги гуруч, чой, гўшт ва шунга ўхшаш озиқ-овқат маҳсулотлари вилоят ҳудудидан ушлаб қолинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Ҳозир қўшни республика чегарасига бир нечта милиция постлари қўйилган. Шунга қарамай турли хил маҳсулотлар ноқонуний йўллар билан республикамиз ташқарисига олиб чиқиб кетилаётир. Уларга кўп ҳолларда "земляк"ларимиз ёрдам қўлини чўзаётгани ачинарли ҳолдир. Мен ана шу чегара постларида ўз хизмат бурчини ўтаётган милиция ходимлари ҳузурда бўлиб, уларнинг амалга ошираётган ишлари билан танишиб, дилдан суҳбатлашдим. Улар суҳбат давомида айрим мансабдор шахслар машиналарни кузатиб келиб, ноқонуний юкларни республика чегарасидан чиқариб юборишни сўрашаётганини, талаблари қондирилмагач, дўк-пўписа қилишаётганини яширишмади. Умуман бундай салбий ҳодисалар содир этилиб турилгани сабабли вилоятимизда гўшт нархи 500-600, гуруч эса 80-100 сўм. Аммо ўз халқи ризқини четга чиқаришга уринаётган ҳамюртларимизнинг виждони неча пул экан?

Б. САЪДУЛЛАЕВ.

Ташлаб қўйилган

Катта кўчада ҳамма ўз иши, уй-фикри билан банд кетиб борарди. Ун саккиз ёшлардаги йигит ёнига келиб тўхтаган машинага ҳеч ким эътибор бергани йўқ. Ундан тушган одам йигитнинг қаршичига ўтди.

— Сиз Боруховсизми? — сўради у.

— Ҳа, — деди Борухов ҳайрон бўлиб.

— Милициядан, — машинадан тушган Алексеев қизил гувоҳнома кўрсатди. Уларнинг ёнига яна икки киши келди. — Машинага ўтиринг.

— Милиционерлар! Боруховни орқа ўриндикда ўртага олишди. Машина жўнаб кетди.

— Хўш, ошна, гап бундай, — деди Алексеев ёнидаги Боруховни аркалагансимон юзига шапатилаб, — ойнинг мендан қарз. Қарзини бермай, алдаб юрибди. Тўғри, ота-она учун бола жавобгар эмас, дейишади. Лекин сен жавоб берасан. Қани, борингни чиқар-чи.

— Ёнимда ҳеч нарса йўқ, — деди Борухов чўчиб. У машинадагилар милиция ходимлари эмаслигини фаҳмлаганди.

— «Шмон» қиламиз, — Олег Боруховнинг чўнтакларини ағдарди. Ростдан ҳам Боруховнинг пули йўқ эди. — Демак, энди боласи учун онаси жавоб беради. — У ҳиринглаганча лейкопластлардан йирити «маҳбус»нинг кўзойнагига ёпиштириб қўйди.

— Ваҳ-ҳа-ҳа, — кулди Алексеев, — кўр музикачининг ўзгинаси бўлди.

— Йўқ, ҳалиги, телевизорда жиноятчиларнинг кўзини яшириб кўрсатишади-ку, худди ўшанга ўхшайди, — деди машинани бошқариб бораётган Иброҳимов.

Улар Волковни кўриб етгунча Боруховни масхараляб, ҳазил-ҳузул қилиб боришди. Ичкарига қиршғач, шу дамгача оғзига толқон солгандай индамай келган Погосян телефон гардишини бурай бошлади.

— Алло, яхшилаб эшит, Борисингни чумқудай қамаб қўйдик. Агар товоинни тўлаб, олиб кетмасанг, уни қиймалаб котлет қиламиз. Болангни қанчага баҳолайсан?... Нима! Шунча арзонми? Унда ахлатхонага ташлаб юборамиз. — Погосян шерикларига ўғирлиди. — Вей, бу котлетга ҳам арзонмас экан-ку.

Шундан сўнг Боруховни бир хонага киритиб, ёнига қоровул қўйдилар. У икки кун қамоқда ўтирди, учинчи кун тагин кўзларини беркитиб, Пушкин майдони яқинига олиб бориб ташладилар. Чунки товоинга бриллиант кўзли узук билан катта миқдорда пул унганди-да.

Юқоридаги воқеа Тошкентда бўлди. Лекин зўравонларнинг иш доираси жуда кенг эди. Мана, улар кайф-сафо қилиб ўтирганларида Сафаров исмли кимса кириб келди. У йўловчи (новодчик)лардан бири эди.

— Хўш, разведка нима дейди? — кўришиш учун қўл узатди Алексеев.

— Сафаров сафарга чорлайди, — деди «разведкачи».

— Узоққами?

— Ленинобод томонларга.

Икки машина бир-бири билан қувлашмачоқ ўйнаб йўлга тушди.

Буларга ҳар қандай йўл чўт эмасди, тезда манзилга етиб боришди.

— Шу ерда қоламан, — деди Сафаров шаҳарга кириб бораётганларида. — Мени таниб қолишади.

У ҳамтовоқларига «ўлжа»ни кўриб қандай боришни тушутирди. Машиналар шилиниши кўзланган Раҳмоновнинг хонадонидан берирокда қолди, бошқалар милиция майори формасини кийган Алексеев етовида Раҳмоновнинг уйига кириб боришди.

— Салом, ўртоқ қиморбоз, — деди «майор». Волков ёнидан кишан олиб шикирлатди.

— Хўш, қимордан қанча ютдингиз? — сўради Погосян.

Раҳмонов жим, гарангсираб турарди.

— Гап бундай, ўртоқ қиморбоз, — деди Алексеев, — қирқ минг сўм ютгансиз. Ушани чиқаринг, туя кўрдингми, йўқ.

Раҳмонов рози бўлмагач, бир хонага қамаб, соқчи қўйдилар. Тинтув бошланди. Уйдан, пул, заём, тилла соат, иккита узук, иккита япон магнитофони ва бошқа қимматбаҳо нарсалар топилди. Ўлжа етти кишига тақсимланди.

... Бу гапги хабарни Мухаммедов фамилияга йигит келтирди. Унинг айтишича, туман матлубот жамияти гўшт тайёрловчиси Авазов бозордан

мол сотиб олиш учун кассада катта миқдорда пул олган экан.

Босқинчилар кўрсатилган манзилда тонгги соат бешда пайдо бўлишди. Милиция лейтенанти формасидаги Штельман бошлиқ тўда Авазовнинг ҳовлисига бостириб кирди. Ҳовлидагилар уйқусираб нима бўлаётганини билолмай ҳайрон эдилар. Штельман кассада олинган пул ҳужжатларини текшириб, пулни талаб қилди. Ҳовлидагиларни бир хонага қамаб, агар ким овоз чиқарса отиб ташлаш билан қўрқитдилар. Босқинчилардан бири Авазовнинг укасига қарашли хизмат машинасининг баллонларини тешиб ташлади. Сўнгра Авазовни машинага ўтқазиб олиб кетишди.

Хонадонлар ортада қолиб, бепоён далалар бошланди. Машиналар тўхтади.

— Қани, пулни чиқар, — деди Штельман ўқрайиб.

— Қанақа пул? — сўради Авазов қалтираганча.

— Мол оладиган пул-да.

— Давлатники-ку?

— Давлат, мана, биз, — дея ишшайди Болотнов.

— Справка ёзиб берамиз, — деди Волков.

— Кулоғининг тагига, — кўшимча қилди Алексеев.

Авазовнинг қўлини чилвир билан боғладилар.

Босқинчилардан бири пичоқ, бошқаси тўппонча ўқталди.

— Қўйдай бўғизлаб ташлайман.

— Итдай отаман.

Хуллас, Авазовнинг ёнини қоқлаб қўйиб юборишди. Лекин бу қилмишнинг баттароқ оқибати кейин юз берди. Босқинчилардан кўрққан Авазовнинг ҳомилдор хотини чала тугди, ўзи ярим йил ҳам яшамай юрак хасталигидан вафот этди.

Босқинчиликни тирикчилик манбаи қилиб олган тўда эса сира тинмай одамларни қон қақшатишни давом эттирди. Уларнинг ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бўлиб кетишганини кўйидаги воқеадан ҳам билиш мумкин.

Дарвозани очган Лола бир гапа одамларни кўрди. Улар орасида милиция ходимлари ҳам бор эди. Улар Лолани бир хонага қамаб, соқчи

қўйдилар ва тинтувни бошлаб юбордилар.

— Ойинг қаммоққа олинди, — деди Штельман. — Тушутириш хати ёзиб берасан. Пул, тилла тақинчоқларни келтир тез.

Лола рад жавобини берди.

Тинтувчилар ошхонадан халтага солинган 85 минг сўмлик пул ва заём топишди. Шундан сўнггина гапа хонадонни тарк этди.

Аммо гапа ҳар гап ҳам ўлжа билан қайтавермас эди.

Черноус ишдан қайтаётганда уни кўчада «милиционер»лар кутиб турарди. Дарҳол Черноусни машинага ўтқазиб ва қизини эркаклар билан ушлашганини айтишди. Черноус бу гапга ишонмади, чунки қизи касалхонада ётган эди. Машина шаҳар четига қараб кетди. Шаҳардан чиқаришда олдиларида номерсиз «Жигули» пайдо бўлди. Черноус кўрқиб бақирди. Шунда босқинчи Шрайфер қўл силтаб унинг овозини ўчирмоқчи бўлди. Бироқ қўли Черноуснинг юзига теги, аёлнинг лаби қонади. Аёл баттар ўкириб йиғлай бошлади, валеранка ичди.

— Сени кўпдан бери кузатиб юрилман, ҳамма қилмишларингни биламан, — деди Волков.

Машина бир тепалик ёнида тўхтади. Черноуснинг ёнига қора қўлқоп кийган Болотнов чиқиб ўтирди, машина орқасида пичоқ ушлаган одам турарди.

— Мендан нима истайсизлар? — деб сўради Черноус йиғлаб.

Шрайфер ҳаммани нари кетказгач, жавоб берди:

— 100 минг сўм керак.

— Мана, уч юз сўмим бор, олинглар, — деди аёл титраб-қақшаб.

— Мана, узугим...

— Агар айтинган пулни топмасанг, каллангни оламиз. Эринг билан ўғлингга хат ёзиб бер, — деди Болотнов.

Черноус эри билан ўғлига уйдаги бор пулни олиб беришни сўраб хат ёзди. Тагин йўлга тушдилар.

— Бун анхорга чўктирвориб керак, — дея бақирди йўлда Штельман. — Ҳе...

Бир жойга келганда машиналар орқама-кетин тўхтади. Босқинчилар аёлни ўртага олиб, ундан 100 минг сўм толиб бераман, деб тилхат ёзиб беришни талаб қилишди. Улардан бири қўлга канистр ва арқон олди-да, дўк урди:

— Ҳозир машина билан қўшиб ёқвораган. Машина ўғирланган.

Аммо аёл ўз ҳаётига энди бепарқ бўлиб қолгани, индамай ўтираверди. Шундан кейин босқинчилар Черноусни уйи яқинига олиб бориб ташладилар.

Собиқ ички ишлар идораси ходими, нафақадор Каримовда анчагина япон радиоаппаратуралари бор эди. У ўғли ва келини билан бирга яшарди. Келини иккаласи чиқишолмай юришарди. Шунинг учун келин қайночасидан ўч олмоқчи бўлди ва акасига радиоаппаратура ҳақида гапирди. Акаси улуш олиш шарти билан бун бир танишига айтди, таниши эса босқинчиларга маълум қилди.

Босқинчилардан Мухаммедов ва

Шокиров гўёки видеомагнитофон олмақчидай Каримовга учрадилар, нархини суриштирдилар. Шу пайтда тўрт босқинчи милиция ходимлари сифатида кириб келишди. «Милиция ходимлари» Каримовни ўғирланган буюмларни сотишда айбладилар ва ҳамма пул, қимматбаҳо нарсаларни дарҳол топширишни талаб қилдилар. Каримов вазиятни тушуниб, хонадан қочиб чиқмоқчи эди, Шрайфер чалиб йиқитди. Уни уриб, тепа бошладилар. Болотнов «ТТ» тўппончасини ўқталди:

— Отиб ташлайман, бола-чақангни ҳам гумдон қиламан.

Шрайфер Каримовни бўға бошлади. Уйда Каримовнинг ўғли Равшан ҳам бўлиб, у хонадан чиқмоқчи эди, Волков унинг қорнига тушарди, Алексей эса тўппонча дастаси билан урди. Равшанни қаровотга отиб, қимир этмаслигини бувордилар. Агар Каримов пули қаердалигини айтмаса, «ўғлингни сўямиз» деб Равшаннинг бўғизига пичоқ тақашди.

Босқинчилар хонадон эгаларининг қаршилигини синдириб пул, ўн хил тилла тақинчоқлар, учта чет эл соати, магнитофон, телевизор, учта видеомагнитофон, қўшнги ва оптик нишонли «ТОЗ-18» милликларни, нунчақ, йигирма иккита мусқали автомобил сигналин қўлга киритдилар.

Улар талончиликдан ташқари товламачилик билан ҳам шуғулланардилар. Бу борадаги қилмишларини Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидаги матлубот кооперацияси тизимида амалга оширдилар. Товламачилар дўконларга кириб, ўзларини БХСС ходимлари ёки давлат савдо инспекцияси хизматчилари сифатида таништириб, ўлчов хариди қилар, санитария ҳолатини текширардилар. Агар бирор камчилик топилса, қалбаки хужжатлар тузиб, сотувчиларга нисбатан жиноий иш кўзгаймиш, деб қўрқитардилар ва пул талаб қилардилар. Айрим пайтларда эса сотувчиларнинг ўзлари пул тақлиф этардилар. Йигирмага яқин сотувчи бу товламачиликка дучор бўлди ҳамда анчагинаси пулидан ажралди.

Хуллас, ниҳоятда катта тўда аззолари йиллар давомида кўплаб жиноий ишларга қўл урдилар. Улар йигирма нафардан ортиқ эдилар. Бу жиноий гуруҳ милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида охири қўлга олинди. Уларнинг яшаш жойларидан ўқотар қуроллар ва ўқлар, қўлбола пичоқ, ханжар, гиёҳвандлик моддалари, босқинчилик йўли билан қўлга киритилган турли буюмлар топилди. Жиноятчиларни қўлга олишда қатнашган ходимларни номма-ном кўрсатишнинг эса ҳожати йўқ деб ўйлаймиз. Зеро, бу уларнинг вазиқалари, бурчлари эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди бу гуруҳ аззоларининг қилмишларини муносиб баҳолаб, турли йилларга озодликдан маҳрум этди.

Мурод ТИЛЛАЕВ,
Ориф ФАРМОН.

ЧАЙҚОВ БОЗОРИ ҚАНОН КАСОД БЎЛАДИ?

Самарқанд вилояти ИИБ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция майори К. Оқбоев билан суҳбатимизда бугунги кунда кўп миқдорда моллар истеъмол бозоридан турли йўллар орқали чайқов бозорига ўтиб қолаётгани алоҳида ташкилданди. Бунга йўл қўймаслик учун ИИБда ана шу йўналишда ишни ташкил эта оладиган махсус тузилма ташкил этилди.

Ўтган йил бошларида чайқовчилик ва савдодаги суистеъмолликларга қарши курашни кучайтириш мақсадида ИИБ бошлиғи ҳузурда тезкор штаб тузилди, унинг таркибига ўз бошқармаларининг фаолиятини ИИБ тармоқ бўлимлари иши билан мувофиқлаштирувчи иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш (ИЖК) хизматининг ходимлари кирдилар.

Натижада чайқовчилик фактлари бўйича қўзғатилган жиноий ишлар миқдори ошди. 1992 йилда у 76 фоизни ташкил этди. Олибсотарлардан 619,5 минг сўмлик мол ва қимматбаҳо буюмлар мусодара қилинди.

Ўтган йил августда ИИБ ИЖК бошқармасига Регистон кўчасида жойлашган қандолатчилик цехининг баъзи ходимлари турли алдам-қалдамлар билан шуғулланаётганликлари, шу жумладан келтирилаётган қандолатларни ўғирлаб, сўнгра хусусий шахсларга оширилган

нархларда сотаётганликлари, уларни қалбаки хужжатлар асосида ҳисобдан чиқараётганликлари, ҳақида хабарлар кела бошлади.

Ана шу сигналларни текшириш мақсадида цех мудири, ошпаз ва қандолатчи назоратга олинди, 12 августда улар 500 килограмм шакарни гайриқонуний тарзда сотаётган чоғларида қўлга олинди. Тергов натижалари бўйича очилган жиноий иш Самарқанд шаҳар Сибб туманининг халқ судига юборилди.

Икки ярим ойдан сўнг Самарқанд туман ИИБ ИЖК бўлимига савдо ташкилотларидан бирида ишловчи Зариф деган йигит кўп миқдордаги тақчил молларни олиб сотиш билан шуғулланаётгани ҳақида ахборот келиб тушди. Ўтказилган қидирув тадбирлари натижасида аниқланишича, «Умар» фирмасининг дўкониде сотувчи бўлиб ишлаётган Зариф ҳақиқатан ҳам чайқовчилик билан шуғулланган, хусусан, «Чайка» маркасидаги тикув машиналарини оширилган нархларда олиб сотган.

Гайриқонуний фаолиятни яширинча хужжатлаштириш, жиноий алоқаларни аниқлаш мақсадида яширин тарзда кузатиш олиб борилди, натижада тикув машиналарини олиб сотишда чайқовчига ёрдам бераётган яна бир неча кишилар

аниқланди. Кўп ўтмай чайқовчи «ўз моли»ни оширилган нархда сотаётган пайтда ушланди. Тинтув вақтида тўққизта тикув машинаси топилди ва улар мусодара қилинди. Зариф қилмишига яраша жазоланди.

Ўтган йил мобайнида вилоятда саноат моллари билан чайқовчилик қилиш ҳолларининг жами 84 факти, озиқ-овқат маҳсулотларини олиб сотишнинг 56 факти аниқланди. Яна спиртли ичимликлар билан чайқовчилик қилишнинг 84, бинокорлик материалларини олиб сотишнинг 21, автомобильларни воситалари эҳтиёт қисмларини олиб сотишнинг 99 ҳоли аниқланган. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 175-моддасига амал қилмаганликлари учун 195 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Харидоргир молларни олиб сотиш ҳолларини аниқлаш мақсадида 1132 савдо объекти текширилди.

Суистеъмол ва қонунбузарликларнинг 1012 факти, шу жумладан жами 3 миллион 757 сўмлик зарар келтирган 53 ўғирлик аниқланди. Ана шу фактлар бўйича жиноий ишлар қўзғатилди. Давлат савдоси объектиларида 14 ва матлубот кооперацияси тармоғида 39 ўғирлик аниқланди, улардан салкам 4 миллион сўмлик зарар кўрилган. Савдо ташкилотлари ходимлари томонидан юзлаб қонунбузарлик ҳоллари рўйхатга олинди.

Ўтган йил ноябрида ИЖК хизматининг ходимлари Самарқанд дўконларининг бирини текшириш чоғида унинг мудири М. томонидан ярим миллион сўмликдан зиёд мол яшириб қўйилганини аниқладилар. Жомбой тумани матлубот уюшмаси ombори мудири Р.нинг уйдан бир ярим миллион сўмлик яшириб қўйилган буюмлар топилди. Декабрда Самарқанд тумани матлубот жамиятига қарашли 44-дўконнинг мудири икки юз минг сўмликдан зиёд энг зарур молларни яшириб қўйган. Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси объектиларида шунга ўхшаш жами юзга яқин факт аниқланди.

ИЖК ходимлари Самарқанднинг Боғишамол туманида жойлашган давлат хўжалиги бозоридаги нонвойхонада ун яшириб қўйилганлигини аниқлашди. «Мароқанд» акцияли-савдо матлубот жамиятининг 10-дўкониде яшириб қўйилган беш тонна фамил чой топилди. Унинг истеъмол нархи билан чайқовдаги нархи ўртасидаги тафовут салкам ярим миллион сўмга тенг бўларди. Айбдорларга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилди ва ҳозир тергов олиб боришмоқда.

Вилоят ИЖК хизмати ходимлари харидоргир моллар истеъмол бозоридан чайқов бозорига «кўчиб ўтадиган» манбааларни бартараф этиш бўйича мунтазам иш олиб бормоқдалар.

Н. ҚОБУЛОВ.

Бизда ҳам хурсандчилик

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ҳам, барча ерда бўлгани каби, халқимизнинг кўна байрами — Наврўз кенг нишонланди. Мазкур шодиёнага аввалдан пухта ҳозирлик кўрилди: байрам арафасида вазирлик ходимлари ҳашарга чиқишиб, ҳовлиларни, кўчаларни тозаладилар, дарахт кўчатлари ўтказдилар, шунингдек беморларнинг ҳолидан хабар олдилар, кексаларни зиёрат қилдилар, бечораҳол одамларга ёрдам бердилар.

25 март, кундузги соат 12. Қалбларни тўлқинлантириб, дилга ажиб байрам шодиёнасини бағишловчи карнай-сурнай, куй-қўшиқ садолари янгради.

Республика ички ишлар вазирининг муовини, ички хизмат полковниги Равшан Ҳайдаров ҳозир бўлганларни қутлуғ айём билан муборакбод этди ва ички ишлар вазирининг табригини ўқиб эшиттирди. Эл-юрт осойишталигини сақлашда намуна кўрсатган бир гуруҳ ходимларни "Наврўз" байрами муносабати билан Фахрий ёрлиқ, "Аъло

хизматлари учун" кўкрак нишони, пул мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги вазир буйруғи ҳам ўқиб эшиттирилди. Республика Ички ишлар вазирлигининг Фахрийлар Кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-лейтенант Б. Х. Сирожиддинов бир пайтлар осойишталик сақлашда намуна кўрсатган, эндиликда кексалик гаштини сураётган ички ишлар фахрийлари ва айни кунда хизмат бурчини ўтаётган ходимларни баҳор ва тинчлик байрами — Наврўзи олам билан самимий қутлади, уларга сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилади.

Байрамда Республикада хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофоти совриндори Фиёс Бойтоев, Ўзбекистон Давлат телерадио компаниясининг "Булбулча" ансамбли, қизиқчилардан Обид Асомов, Ботир Муҳаммадхўжаевлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

М. ТИЛЛАЕВ.

КУЛЛИЁТДА БАЙРАМ



Серкўёш келган 19 март Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Ёнғиндан сақлаш муҳандислари Тошкент куллийети талабалари, профессор-ўқитувчилар таркиби, ҳамда Наврўзи оламини улар билан байрам қилиш учун келган меҳмонлар, ёру биродарларнинг эсида анча вақт сақланиб қолиши аниқ.

...Қоқ пешин пайти. Карнай-сурнайлар садолари остида меҳмонлар бирин-кетин келаётган меҳмонларни кутиб олишмоқда. Меҳмонлар орасида Юнусобод тумани ҳокими Р. Калонов, шу туман ҳокимлиги ижроқўми раиси А. Қосимов, куллийетнинг собиқ бошлиғи, ҳозир республика Президенти Маҳкамасининг масъул ходими бўлиб ишлаётган Б. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси ИИВ тармоқ хизматларининг раҳбарлари ва бошқалар бор.

Ҳамма шарқ нозу-неъматлари қўйилган дастурхон атрофига ўтиргач, байрам тантаналари бошланди. Концертда цирк артистлари, ҳаваскорлар дасталари, аскиячилар йиғилганларни ўз санъатлари билан хушнуд этдилар.

Т. БОДИКОВ,
ички хизмат подполковниги.
Суратқаш А. ЖДАНОВ.



Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасида ҳам Наврўз байрами эсда қоларли қилиб ўтказилди. Ички ишлар ходимлари учун бу санага бағишлаб катта базм уюштирилди.

Тантанани вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Абдулла Отахўжаев очиб, ходимларни улуг айём билан муборакбод этди. Уларга ўзининг энг яхши тилакларини билдирди.

Хизматини аъло даражада бажараётган ходимлар пул мукофоти билан тақдирландилар. Мазали ош дамланди.

Байрам тантанасида ички ишлар бошқармасига қаршли "Булбулча" болалар боғчаси тарбияланувчилари ва санъаткорлар иштирок этишиб, йиғилганлар кўнглини шодликка тўлдирдилар. Айниқса, машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг ичакузди хангомалари давра файзига файз қўшди.

Хуллас, одатдаги беҳаловат дамлар бир кунгина эсга олинмади (албатта шу кун ҳам хизматда бўлган ҳамкасбларимиз бундан мустасно). Бир жумла билан айтганда, байрам байрамдек ўтди.

О. МУСАЕВ,
Сирдарё вилояти ИИБ ходими.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ИИБ жиноят-қидирув бошқармаси томонидан 1964 йилда Булунгур туманида тугилган, эри билан Оқдарё тумани Зарафшон кўчасидаги 46 уйда истикомат қилган Шарофат Рўзиқуловна Мўминова қидирилмоқда.

У 1993 йил 14 январь куни Челақ туманида яшайдиган онасиникига бориб келаман, деб чиқиб кетганича бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 165-175 см, гавдаси ўртача, сочлари қора, 25-30 см. узунликда қирқилган, кўйкўз.

Жигарранг пальто, бинафшаранг жерси матосидан тикилган кўйлак, сарғишранг халат ва жигарранг этикчада бўлган.

Шарофат Мўминова ҳақида бирор нарса билганлардан 33-51-93, 35-88-74, 35-43-94 еки "02"



телефонлари орқали энг яқиндаги милиция бўлимига хабар қилишларини сўраймиз.

ЭЪЛОН

Ф. Энгельс номли Тошкент чет тиллар институти томонидан 1968 йил 28 октябрда Умурзоқов Темур Назиралиевич номига берилган № ШЗ 90119 рақамди диплом йўқолганлиги сабабли;

"Чеҳра" кичик корхонасининг юмалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИВ Олий мактаби бошлиғи У. Тожихоновга акаси

Файзулла ТОЖИХОНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтариб берилмайди.

Газета ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 191, 34.449 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табақ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.